



ARTICLE INFO

Received: 01st December 2022
Accepted: 05th December 2022
Online: 07th December 2022

KEY WORDS

Ер ресурлари, субтропик боғдорчилик, анорчилик, самарадорлик, меҳнат ресурслари, қайта ишлаш, ҳосилдорлик, соф даромад.

Кейинги йилларда республикамизда боғдорчиликни янада ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни киритиш, йирик инвестицион лойиҳаларни жалб қилиш асосида хўжаликларни экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда боғлар билан банд ер майдонларидан фойдаланиш даражасини тубдан кўтаришга йўналтирилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Булар натижасида мамлакатда катта майдонларда интенсив боғлар, жумладан, субтропик мевазорлар вужудга келтирилди, уларда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди, меваларни сақлаш ва чуқур қайта ишлаш бўйича давлат томонидан молиявий ёрдам асосида қатор ташкилий масалалар ижобий ҳал қилинди.

Маълумки, кейинги йиллари боғдорчилик тизимида субтропик боғдорчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

СУБТРОПИК БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЕР МАЙДОНЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

¹Умутов Миршодбек Ғани ўғли

Талаба, "ТИҚХММИ" МТУ,

²Мажитов Баҳром Хамидович

Ассистент, "ТИҚХММИ" МТУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7408708>

ABSTRACT

Мақола монографик тадқиқот усулини қўллаган ҳолда республикамизнинг жанубий минтақалари қишлоқ хўжалигининг асосий ер майдонларидан, минтақадаги мавжуд меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

Жумладан, мамлакатимиз жануби ҳисобланган Сурхондарё вилоятида айнан шундай субтропик боғдорчилик бирмунча ривожланган. Вилоят Сурхон – Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғ худудларини ўз ичига олади. Воҳанинг иқлими қуруқ субтропик иқлим, лекин атрофидаги тоғларга кўтарилган сари иқлим ўзгариб боради. Бу худудда етиштирилаётган хурмо, анжир, лимон ва анор мевалари ўзларининг шифобахшлиги билан нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам машхур бўлмоқда. Шундай экан, субтропик боғдорчиликни, айниқса анорчиликни ривожлантириш, анорзорлар майдонларини кенгайтириш, уни етиштириш технологиясини ҳар бир худуднинг шарт - шароитларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, энг биринчи навбатда, анорзорлар эгаллаган ер майдонларидан



фойдаланиш самарадорлигини оширишга, анорчилик билан шуғулланаётган боғбонлар турмуш даражасини кўтарилишига имкон беради.

Вилоятда анорчиликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи ўтган XX-асрнинг 30 – йилларига бориб тақалади. Шу йиллари Фарғона вилоятининг Қува туманидан олиб келиб экилган анор кўчатларини бу ҳудудга тезда кўникиб кетиши ва тезкорликда катта - катта анор боғларини вужудга келганлиги ҳамда юқори сифатли катта миқдорларда ҳосил бера бошлаши бугунги кунга келиб вилоятда, ҳақиқатдан ҳам, бу соҳани қишлоқ хўжалигининг энг самарали йўналишларидан бирига айлантирди.

Шуни қайд қилиш керакки, вилоятнинг қатор туманларида, боғбонлар, йиллар давомида анорчилик билан шуғулланиб, уни шўрланган тупроқ шароитида ҳам мўл ва сифатли ҳосил бера оладиган навларини танлаш орқали сердаромад анорзорлар барпо этиш ишини йўлга қўя олдилар. Шу

билан бир қаторда, анорни парвариш қилишнинг вилоят тупроқ-иқлим шароитига қулай технологиясини яратиб, йилдан йилга такомиллаштириб борилмоқда. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда вилоятнинг, айниқса, Шеробод ва Саросиё туманларининг аксарият ҳудудларида анорчилик қишлоқ аҳолиси томорқаларида кенг кўламда экилмоқда, бу сифатли ҳосил ва каттагина даромад келтирадиган соҳага айланиб қолган. Бу ҳолатни ҳамда вилоят тупроқ – иқлим шароитига мос келаётган анор боғларининг самарадорлигини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қатор тадбиркор фермер хўжаликлари айнан анорчилик билан шуғулланиб, унинг майдонларини сезиларли даражада кенгайтиришни таъминладилар. Буни ыўйидаги жадвал маълумотлари яна бир карра тасдиқлайди (1 жадвал)

1 жадвал Сурхондарё вилоятида мевали кўп йиллик дарахтзорлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Йиллар	Кўп йиллик дарахтзорлар жами га	Шу жумладан субтропик дарахтзорлар		Шундан анорзорлар майдони	
		га	%	га	%
2010	27700	5540	20	272	5
2013	32621	7177	22	420	6
2017	32967	7582	22	1020	13
2019	33647	10767	32	3078	29
2022	34216	11976	35	4790	40

Юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистоннинг Жанубий қисми субтропик экинлар етиштириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Айниқса Сурхондарё вилоятининг Саросиё, Узун, Денов, Шўрчи ва Шеробод туманларида анор, анжир ва шарқ хурмосини

етиштириб юқори ҳосил олиш мумкин. Бунга шу жойларнинг табиий – иқлим шароити жуда мосдир. Кўп йиллик кузатишлардан маълумки, вилоятнинг жанубий қисмига нисбатан юқоридаги туманлар жойлашган шимолий қисмида йиллик ўртача ҳарорат 3-4 градусга



фарқ қилади. Вилоят уч томондан : шарқ, ғарб ва шимолдан баланд тоғлар билан ўралган бўлиб, кутилиши мумкин бўлган совуқ ҳаво оқими фақат жанубий томондан кириб келиши мумкин. Бу холат ҳудудни қиш ойлари ҳам илиқ бўлишига, совуқ ҳаво ҳароратини ҳар 8-10 йилда кузатилишига, бунда ҳам ҳарорат 20-25 градусгача етишига имкон беради. Ёз ойлари иссиқ ва қуруқ бўлиб, ҳарорат баъзан 50-55 градусгача кўтарилади. Совуқсиз илиқ кунлар 240-245 кунни ташкил этади. Йиллик ёғингарчиликнинг умумий миқдори 130-150 мм ни ташкил этади. Бундай шароитда анор ва бошқа субтропик дарахтзорларни кенгайтириш муаммолари академик Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий - тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий тажриба станциясида кўп йиллардан бери илмий асосда ўрганиб келинмоқда. Ҳозирги кунда ҳудудда анор етиштириш билан бир қаторда уни чуқур қайта ишлаш масаласи устида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, вилоятнинг Шеробод туманида “Шеробод анор импекс” корхонаси раҳбарлари Исроиллик ҳамкасблари билан анордан шарбат олиб, уни қадоқлаш, парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақида музокоралар олиб бормоқдалар. Анорчиликни ривожлантириш учун олимлар қатор илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Эътироф этиш жоизки, ташкил этилган анорзорлар ҳозирги кунда ота – боболаримиздан қолган усуллар билан парваришланмоқда. Бу ҳам яхши, лекин мева-сабзавотларни, хусусан, анор етиштиришнинг инновацион

йўллари топиш, уларни қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш, эртага уни етиштириш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари билан биридир. Гап шундаки, анор етиштириш бўйича бугунги кунда мавжуд хориж технологиялари ва усуллари вилоятда қўллай олмаймиз. Негаки, анор етиштирадиган илғор Туркия, Малайзия, Эрон, Чили, Озарбайжон, Жанубий Корея каби давлатларнинг барчаси денгиз бўйида жойлашган бўлиб, уларнинг иқлими мўътадил. Анор экиб қўйсангиз, ўзи ҳосил бераверади, унча катта харажат ва эътибор талаб қилмайди. Бизда эса аҳвол сал бошқача, қиш совуқ, ёз иссиқ бўлгани боис қишда анорни кўмиб қўйишимиз керак, ёзда эса мунтазам суғориб туриш талаб этилади. Бу талаблар ўз новбатида субтропик боғдорчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари ер майдонларида ўзига хос ер тузиш ишларини, хусусан, суғориш йўллари тармоқларини алоҳида эътибор билан жойлаштириш, барпо этилаётган боғлар майдонларини муҳандислик жиҳатидан тўғри ташкил этиш, қишлоқ хўжалик экинларини илмий асосланган тарзда тўғри жойлаштириш ва режалаштиришни талаб этади.

Шу боисдан ҳам анорчилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда маҳаллий анор навлари ва истиқболли навлар коллекциясини илмий асосда ташкил этиш, анор маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, соҳани экспорт салоҳиятини ошириш, ўзбек анор брендини яратиш, шунингдек, анорчилик соҳасида илғор



тажрибаларни республикамизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу муаммолар, айниқса, вилоятда анорзорлар ҳудудларини ҳар бир жойнинг табиий-иқлимий ва экологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ташкил этиш асосида ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини туғдиради. Бунда, масалан, анорзор ерларидан унумли фойдаланиш мақсадида вилоятнинг Шеробод туманида кўчатларни экишда бир уяда, уч томонга қаратиб 3(уч) тадан кўчат экиш технологиясини жорий этиш юқори самарадорликка эришишга имкон бериши мумкин, яъни бир туб анор дарахтидан ўртача 50 кг ҳосил олинса, янги усулда экилган анор дарахтидан 120-150 кг гача ҳосил олиш

мумкин. Бу ҳолат, сўзсиз, анорзорлар эгаллаган ер майдонларидан анчагина самарали фойдаланишга, натижада фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадини тубдан ошишига имкон беради.

Умуман юқорида юритилган фикр-мулоҳазалар асосида қисқача хулоса қилиш мумкинки, республикамизда тўпланган тажрибалар ва вилоятдаги мавжуд табиий-иқлим ҳамда иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда асосий субтропик мева ҳисобланган анорзорлар ер майдонларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, хусусан, улар ҳудудини оқилона ташкил этиш билан боғлиқ ер тузиш лойиҳаларини яратиш, уларни жорий этиш яқин истиқболда жанубий ўлкада қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга катта имкониятлар яратади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 - сон Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида. Тошкент, 2022, Lex. Uz
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 мартдаги “Қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилиш, ҳудудни картографиялашда техник ва технологик ишлаб чиқишни ривожлантириш ва янгилашни амалга ошириш тўғрисида”ги 258-Ф-сонли қарори.
3. С.Авезбаев, С.Н.Волков “Ер тузишни лойиҳалаш”. “Янги аср авлоди”, 2004 йил
4. Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” қўмитаси томонидан тайёрланган Миллий ҳисобот 2010, 2013, 2017, 2019, 2020 йил 1 январь ҳолатига.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Кадастр агентлиги” томонидан тайёрланган Миллий ҳисобот 2022 йил 1 январь ҳолатига
6. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди.